

## ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ- ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВСИФИ.

*Самарқанд давлат тиббиёт университети  
Тарих фанлари буйича фалсафа доктори  
PhD Гавҳар Турсунова,*

Аннотация.

Жалолиддин сўнгги Хоразмшоҳ эди. Унинг асл исми Мангуберди, аммо давр урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда шахзодага иккинчи исм ўлароқ «Диннинг юксалиши» маъносини билдирувчи «Жалолиддин» номи берилади. Жалолиддин Мангуберди – Ўзбекистон тарихидаги миллий қаҳрамонлардан биридир. Унга атаб бир нечта ёдгорликлар барпо этилган, она шаҳри Хоразм вилоятидаги ёдгорлик мажмуаси шулардан биридир. 2000 йили Ўзбекистон Республикасида «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилади.

**Калит сўз:** Мангуберди, «Диннинг юксалиши» маъносини билдирувчи «Жалолиддин», Ўзбекистон тарихидаги миллий қаҳрамонлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланиши жараёнида унинг тарихдаги сиёсий мавқеи, иқтисодий тараққиёти ва маданиятини юксалишини чуқур ўрганиш катта аҳамиятига эга. Ўтмишда бу ўлкада вақти вақти билан йирик давлатлар таркиб топган ва уларнинг вужудга келишида айрим шахслар, давлат арбоблари ва ҳарбий саркардаларининг алоҳида хизмати бор. Жумладан, ўрта асрларда Ануштегинлар- Хоразимшоҳлар салтанатида Жалолиддин Мангубердининг саркардалиқ фаолияти, мустақиллик учун фидокорона кураши тарих зарварақларида битилиб келган.

Ануштегинийлар сулоласи бошқарган Хоразимшоҳлар давлати (1027-1231 йиллар)нинг кўп йиллик тарихи ўша давр мусулмон тарихчилари томонидан ёзилган қатор асарларида ўз аксини топган. Улар асосида ушбу сулоланинг сўнги вакили, буюк саркарда Жалолиддини Мангуберди ҳукмронлиги, унинг мўғул

истилочиларига қарши қаҳрамона кураши ҳақида Ғарбий Осиё сарҳадларидаги фаолиятини кузатиш ва таҳлил этилганлигини кўриш мумкин. Айрим манбалар ва адабиётларда унинг исми Мангбурни шаклида ҳам келтирилади.

Бу манбалар ичида Жалолиддин Мангубердининг шахсий котиби (котиб ал-иншо) Шаҳобиддин ибн Аҳмад ан Насавийнинг “Сирот ас Султон Жалолиддин Мангубурни” (“Султон Жалолиддин Мангубурнининг таржимаи ҳоли”) номли асари аллоҳида аҳамиятга эга.

Нассо (Нисо) вилоятдаги қалъалардан бирининг соҳиби бўлган Насавий 1224 йилда хизмат юзасидан Ироққа бориб қолади ва ўша ерда Сўлтон Жалолиддин унинг хизматига киради. Шундан эътиборан у Жалолиддиннинг ишончли мулозимларидан бирига айланиб, то 1231-йилгача, яъни Жалолиддин Мангубердининг фожиали вафотидан сўнг Насавий хизматни бошқа ҳукмдорлар қўл остида давом эттириб 1249 йилда Ҳалаб шаҳрида дунёдан кўз юмди.

Насавийнинг Жалолиддин Мангубердини яқиндан билган,асарида баён этилган воқеа ходисаларнинг аксариятида бевосита иштирок этган ёки шоҳид кишиларнинг хабарларига таянган,энг муҳими холисона ва ҳаққоний сўз айтишга интилганки булар асарнинг илмий қиммати ҳамда ишончлилик даражасини оширади. Насавий ўз асарини битишга Жалолиддин вафотидан қарийиб 10 йил ўтгандан сўнг 1241 йилдан киришган ва табиийки ,эркин фикр билдириш имконига ҳам эга эди.

Насавийнинг “Сирот ас –Султон Жалолиддин Мангубур”нинг арабий асл матни ва турли тилларга қилинган таржималари бир неча бор дунё юзини кўрди. Хусусан, у таниқли шарқшунос олим З.М.Буниётов томонидан рус тилига ўгрилиб, икки марта (иккинчи арабча матн билан бирга) чоп этилди. Асар ўзбек тилида ҳам К.Матёкубов таржимасида “Султон Жалолиддин Мангуберди” номи билан икки марта нашр этилган.

Араб тилидаги муҳим манбалардан яна бири Ибн ал-Асир номи билан машхунр тарихнавс Иззодин Абулхасан Али ибн Муҳаммад ал-Жазирий рақам этган “ал-Комил фи-т - тарих” ( тарих ҳақида мукамал китоб ) салномасидир.

“Ал- Комил фи-т- тарих”Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихининг ислом тарқалишидан то 1231 йилгача бўлган даврдан баҳс юритувчи энг қимматли манбалардан бири саналади. Ўн икки жилддан иборат бу асарнинг охириги жилдидан мўғул босқини билан боғлиқ воқеалар баёни ҳам жой олган.

Муаллиф Жалолиддин Мангубердининг фаолиятига кенг ўрин ажратади ва кўпинча ўзининг муҳим ва аниқ маълумотлари билан бошқа манбаларни сезиларли даражада тўлдиради. Солнома матни бир неча бар нашр этилган .Айрим тилларга қилинган парча таржималари ҳам мавжуд . Асар Ўрта Осиё тарихига оид қисмининг П.Булгаков бажарган.Рус тилига таржимаси 2006 йили Тошкентда ва Ш.Камолиддинов томонидан нашр этилди.

Асар XX аср бошларида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Феруз фармойиши билан тўлалигича ўзбек тилига таржима қилинди.

Биз сўз юритаётган даврга оид муҳим ҳамда батафсил манбаларнинг учинчиси Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “тарихий жаҳонгушой” (жаҳон фотиҳи тарихи) асаридир. Жувайнийлар хонодонининг бир неча вакиллари Хоразимшоҳнинг арқонларидан бўлган. Жумладан Баҳауддин ибн Али Жувайний 1192 йилда Султон Алоуддин Такаш (ҳукумронлик даври 1172 -1200) хизматига киради. Унинг набираси Алауддин Атомалик Жувайнинг бобоси Шамсиддин Муҳаммад (ҳукумронлик даври 1200-1220), кейинчалик Жалолиддин Мангубердининг бош вазири сифатида фаолият кўрсатган. Аммо унинг ўғли Баҳоуддин тахминан 1232 йилда бир гуруҳ аслзодалар билан бирга мўғуллар хизматига киришга мажбур булади ва ўғли Алоуддиннинг ҳам хизматга жалб этади.

“Тарихи Жаҳонгушой 1252-1260 йиллар оралиғида форс тилида таълиф этилган, уч жилддан иборат.

XIII аср бошларидаги суронли воқеаларнинг замондоши сифатида асар ёзган тарихчилардан яна бири Минхожиддин ибн Сирожиддин Муҳаммад Жузжоний (1193-1205) йилдан кейиндир. У 1256 йилда Ҳиндистонга бориб, у ерда Шамсиддин Элутмиш (ҳкумронлик даври 1211-1235)ва унинг ўғли

Носириддин Мухаммадшоҳ (хукумронлтгт даври 1246-1265) саройида турли лавозимларида хизматда бўлади ва 1260 йилда Носириддин Мухаммадшоҳга атаб “Табақати Носирий” (Носирга аталган табақалар) номли асар ёзади. Асарнинг 16-боби Хоразимшоҳлар тарихига сўнги 23-бобига мўғулар истилосига бағишланган. Афсуски, бу тарихчининг Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлари жуда қисқа.

Машхур муаррих Элхонмар вазири Рашидиддин Фазлуллоҳ (1274-1318)нинг 1300-1310 –йиллик орасида яратилган “Жоме ат-товарих (тарихлар тўплами) солномаси мўғуллар тарихига оид энг қимматли манбалардан бири сифатида эътироф этилади. Аммо Рашиддин Хоразимшоҳлар тарихи, мусулмон мамлакатларнинг мўғуллар томонидан истило этилиши ҳамда Жалолиддин Мангубердининг хукумронлик даври воқеаларини асосан Жувайнийнинг ҳамда қисман Ибн ал-Асирнинг мазкур асарлари асосида баён этади ва айтарли янги маълумотлар бермайди. Худди шу фикрни суриялик тарихчи Абулфароҳ Бар Эбрий (1226-1286)нинг “Тарих Мухтасар ад-дувал” (“Сулоларнинг қисқача тарихи”) асарида ҳам кўриш мумкин.

Ёзма манбаларнинг яна бир гуруҳи Нуриддин Зайдарий Мухаммад Ҳалавий, Ибн Дибий, Сибт ибн ал-Жавзий асарлари борки, улар Султон Жалолиддин Мангубердининг Кавказорти ва Кичик Осиёдаги фаолияти, маҳаллий сулолалар билан муносабати каби муҳим масалаларда юқорида санаб ўтилган асарларга қўшимча равишда қимматли маълумотлар беради.

Биз Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятдан нақл қилувчи ассосий, энг муфассих асарларини санаб чиқдик, холос. У ҳақдаги маълумотлар бошқа мусулмон тарихчиларнинг асарларида, шунингдек хитой, мўғул, арман ва бошқа тиллардаги манбаларда ҳам учрайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. В.В. Бартольд Сочинения. Том.1. М: Наука 1963

2. Буниётов З.Ануштегин –Хоразимшоҳлар давлати.(1097-1231).Рус тилидан Ашраф Ахмад ва Махкам Махмуд таржимаси.-Т.:Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1998.
3. Ан-Насави, Шихаб ад-Дин Манкбурни ( Жизне описание султана Джалое ад-Дина Манкбурни) Перевод с арабского З.М Бунятова М.1996.
- 4.Ибн ал-Асир. Ал Камол фи-т-таърихи. Полный свод. Истори. Избранный отрывки. Перевод с арабского языка П.Г.Булгакова. Дополнения к переводу Ш.С Камолиддина.- Т.: Ўзбекистан 2000.
5. Шихат ад-Дин Мухаммад ан –Насави. Жизне описание султана Джалие ад-Дина Манкбурны. Перевод с аратского З.М Бунитова .Баку: Элм,1973
6. Шаҳобиддина Мухаммад ан Насафий .Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари.Рус-тилидан К.Матёкубов таржимаси. 2-нашр – Т.:Ўзбекистон,2006.
- 7 Begmurodovna T. G. RESETTLEMENT AND LIVING CONDITIONS OF THE POPULATION EVACUATED FROM RUSSIA TO THE SYRDARYA (SECOND HALF OF THE XIX CENTURY) //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 800-803.
- 8 G. T. ROSSIYA IMPERIYASINING SIRDARYO VILOYATIGA AHOLINI KO ‘CHIRISH SIYOSATI.(XIX ASRNING IKKINCHI YARMI VA XX ASRNING BOSHLARI) //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 9. – №. 1. – С. 198-200.
- Bekmurodovna G. T. In the early stages of relocation policy features and methods //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 110-112.
- 9 Турсунова Г., Очиллов И. Amir Temur hayoti va ulkan saltanatning vujudga kelishi //Oriental Art and Culture. – 2020. – №. IV. – С. 45-51.